



ТОШКЕНТ ИРРИГАТСИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАТСИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ



Ўзбекистон республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш

муҳандислари институти

“Еф ва Ек” факультети

“Давлат кадастри” кафедраси

“Давлат кадастри” фанидан

# МУСТАҚИЛ ИШ

Мавзу: Ўзбекистон республикаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг  
давлат кадастри ҳақида умумий тушунча.

*Бажарди: Г.К.К йўналиши 3/2 гуруҳ талабаси*

*Қабул қилди:*

*Якупбекова Зарнигор*

*Исмонов. Ш.*

Тошкент 2017

# Режа:

- ▶ Кириш.
- ▶ Асосий қисим.
- ▶ Ўзбекистон республикаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида низом.
- ▶ Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастрининг мазмуни.
- ▶ Ҳайвонот дунёсининг давлат кадастри мазмуни.
- ▶ Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби.
- ▶ Хулоса.
- ▶ Фойдаланилган адабиётлар.

# Кириш

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

- Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом ва Ўзбекистон Республикаси ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.
- Белгилаб қўйилсинки, ўсимлик дунёси ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастрини ва ўсимлик дунёси ва ҳайвонот дунёси объектларнинг давлат ҳисобини юритишга доир ишларни маблағ билан таъминлаш давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади.
- СССР Министрлар Советининг «Ҳайвонларнинг ва улардан фойдаланишнинг давлат ҳисобини ва ҳайвонот олами давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида» 1984 йил 28 апрелдаги 373-сон қарори юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1984 йил 17 майдаги 258-сон қарори (ЎзССР ҚТ, 1984 й., 5-сон, 24-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Агросаноат комплекси котибиятига юклансин.

# Ўзбекистон республикаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида низом

- ▶ Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастри «Ўсимлик ва Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат кадастрлари ягона тизимини ташкил этиш ва уни юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1996 йил 17 июлдаги 255-сон қарорига, бошқа қонун ҳужжатларига ва мазкур Низомга мувофиқ юритилади.

# Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастрининг мазмуни.

Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрида қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилган ёввойи ўсимликларнинг ҳар бир тури бўйича маълумотлар мавжуд бўлади:

- ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ва манзарали, шунингдек, озиқ-овқат сифатида фойдаланиладиган ўсимликлар;
- техник мақсадларда фойдаланиладиган ёввойи ўсимликлар;
- табиий яйловлар ва пичанзорлардаги ўсимликлар;
- ёввойи ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турлари.



Кадастр объектларининг ҳар бир гуруҳида қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлади:

- объектлар гуруҳларининг мақоми;
- дунёси (яйловларнинг турлари);
- кенг тарқалиши (ҳудудий тақсимланиши);
- маҳсулдорлиги;
- иқтисодий баҳоланиши;
- фойдаланилиши.



# Ҳайвонот дунёсининг давлат кадастри мазмуни.



Ўзбекистон Республикасининг ҳайвонот дунёсини давлат кадастрида ёввойи ҳайвонларнинг ҳар бир тури (кичик тури) бўйича маълумотлар мавжуд бўлади. Ёввойи ҳайвонлар турларнинг қуйидаги гуруҳларига бирлаштирилган:

а) Қизил китобга киритилган ҳайвонларнинг камёб ва йўқолиб кетаётган турлари;

б) алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонлар турлари;

г) балиқлар;

д) қишлоқ хўжалиги зараркунандалари бўлган ҳайвонлар;

е) ўрмон хўжалиги зараркунандалари бўлган ҳайвонлар;

ж) одам ва ҳайвонларнинг алоҳида хавфли юқумли касалликларини тарқатувчи ҳайвонлар;

з) ҳайвонларнинг бошқа турлари

в) овланадиган ҳайвонлар турлари;




## Турлар (кичик турлар)нинг ҳар бир гуруҳида қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлади:

- тур (кичик тур)нинг мақоми;
- тарқалиши (ҳудудлар бўйича тақсимланиши);
- сони;
- биологияси ва тур (кичик тур)нинг оммавийлашуви;
- фойдаланилиши;
- иқтисодий баҳоланиши.





- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон олий ўсимликларининг таърифномаси», шунингдек далани текшириш маълумотлари ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини тузиш учун ахборот манбаи ҳисобланади.



- Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ юритиладиган «Ўзбекистон Республикаси ҳайвонларининг генетик фонди китоби» ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини тузиш учун ахборот манбаи ҳисобланади.

# Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастри Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан қуйидаги маъмурий-ҳудудий даражаларда:

- бирламчи даражада ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастри субъектларининг ваколатли шахслари томонидан;
- минтақавий даражада Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг кадастр хизмати ва табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмиталарининг ваколатли шахслари томонидан;
- республика даражасида Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг кадастр хизмати томонидан юритилади.

# Хулоса

- ▶ *Мен бу мавзудан ўзимга Ўзбекистон республикаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг давлат кадастри ҳақида жуда кўп маълумотларга эга бўлдим. ва шу қатори ўз билим доирамни мустаҳкамлаб олдим. Бу мавзуда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг давлат кадастри ҳақида умумий тушунча ва ҳакозалар ҳақида ўз фикр кўникмамга ега бўлдим ва бу ўрганган билимларимни келажакда ишлаб чиқаришда фойдаланаман ва ватанимиз равнақи йўлида ўз ҳиссамни қўшаман.*

# Фойдаланилган адабиётлар

- ▶ [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
- ▶ [www.ygk.uz](http://www.ygk.uz)
- ▶ [www.google.co.uz](http://www.google.co.uz)